

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01-07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ИНДИРА ИГОРЪЕВНА

**КОМПЬЮТЕР ҲИСОБИЛАРИГА ТОБЕЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on psychological Sciences**

Рахимова Индира Игорьевна

Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятлари 3

Рахимова Индира Игорьевна

Психологические особенности зависимости от компьютерных игр. 19

Rakhimova Indira Igorevna

Psychological characteristics addiction from computer games. 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01-07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ИНДИРА ИГОРЪЕВНА

**КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИГА ТОБЕЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Psi13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нишанова Замира Таскараевна**
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мухамедова Дилбар Гафурджановна**
психология фанлари доктори, доцент

Зокиров Алишер Акбарович
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ғ.Шоумаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.Сафаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпгина қисми асосий вақтларини турли видеоўйинларда сарфлашлари, уларнинг видеоўйинларга бўлган тобеликни келтириб чиқармоқда. Жумладан, 2016 йилда ушбу ҳолат Европа аҳолисининг 48%да кузатилган бўлса, Америкада 72%, Осиёда эса 50%ни ташкил қилган. Видеоўйинларга ўта берилиб кетиш оқибатида экстремал вазиятлар, яъни ҳафта давомида 50 соат ўйин ўйнаш натижасида тобеликка тушиш ҳолати янада ортмоқда (Америкада 4%, Осиёда 24%). Шу боис 2018 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти турли компьютер ўйинларига берилиб кетиш руҳий касаллик, деб тан олишини ва Халқаро касалликлар таснифига (ХКТ) киритилишини эълон қилди¹. Шу сабабли ушбу ҳолатларнинг олдини олиш долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, болаларнинг турли хил ахборотлар таъсиридан ҳимоялашнинг психологик механизмларини такомиллаштиришга зарурат туғдирмоқда.

Дунё миқёсидаги тадқиқотларда компьютер ўйинларига бўлган тобеликнинг психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган. Жумладан, компьютер ўйинларига тобелик муаммосида ҳар бир ёш даври алоҳида объект сифатида тадқиқ қилинган. Аммо уларнинг динамикаси ҳамда муваффақиятга интилиш мотивацияси ва оилавий муносабатларга хос хусусиятлари (ижобий муҳит, хавотирлик, низолашувчанлик, кемтиклик, душманлик ҳисси) ўрганилмаган. Шу боис, турли ёшдаги синалувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелик динамикаси, муваффақиятга интилиш мотивацияси ва оилавий муносабатларга хос хусусиятларни ўрганиш тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилаб берди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшларнинг маънавий ҳамда жисмоний баркамоллиги масаласидаги ва ёшларга оид ислохотлар самарадорлигини янада оширишдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ушбу қонун ҳужжатларида ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларнинг кадр-қимматларини поймол қилувчи ҳар қандай ҳолатлардан қонуний жиҳатдан ҳимояланиши кўрсатилган. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ юзага келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлабоқ шакллантиришимиз кераклиги таъкидланган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган,

¹ <http://www.rosbalt.ru/world/2018/01/05/1672757.html>.

мустақил фикрлайдиган, катъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони³, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 31 январидаги 1-сонли Ҳайъат қарори 37-банди ҳамда мавзуга оид тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги фармони (2002 йил 30 май), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2002–2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш дастури»ни қабул қилиш ҳақидаги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Бундан ташқари, илмий изланиш натижалари «одам-компьютер» мавзусидаги туркум маърифий телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлашда, педагог-психологлар фаолиятида амалиётга татбиқ этилиши мумкин. Бунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 188²-модда (Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш)сини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир режаларини амалга ошириш учун тавсия этилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг жамият маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи –

² Ш.М.Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи. «Халқ сўзи» газетасининг 01.07.2017 й. 129-сон, 1–2- б.

³ 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «Маънавият», 2017. – Б.206.

ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши ушбу тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Руҳий тобеликнинг алоҳида тури сифатида ўйинга тобелик (гэмблинг) кўпдан буён психиатр ва нарколог тадқиқотчилар томонидан ўрганиб келинади. Хусусан, ушбу тадқиқотларда гэмблингда аффектив бузилиш хусусиятлари (Т.В.Агибалова, 2007), ўйинга тобеликнинг кимёвий аддикцияга ўхшаш ҳамда ундан фарқли жиҳатлари (Е.С.Осуховская, 2012; В.А.Солдаткин, 2010), қимор ўйинларига тобеликнинг клиник намоён бўлиши, кечиши ва даволаниши масалалари (О.Ж.Бузик, 2008; А.Ф.Шайдулина, 2004), бундай тобелик вазиятида шахс психопатологик бузилишлари муаммоси (Г.С.Хвостиков, 2009), тобеликнинг комплекс терапиясида психотерапиянинг ўрни (Е.Н.Динов, 2010) ўрганилган. Бу каби тадқиқотларда компьютер ўйинларига тобелик муаммоси ноқимёвий аддикциянинг бошқа турларига тенглаштириб ўрганилди. Психологик тадқиқотларда, аксинча, компьютер ўйинларига тобелик нисбий мустақил феномен сифатида ажратилди. Ушбу йўналишдаги психологик тадқиқотларда компьютер ўйинларига тобеликнинг шахс психик ҳаётига таъсири хусусиятлари (А.В.Мирошниченко, 2010; А.М.Демильханова, 2009; Л.И.Шакирова, 2006), компьютер ўйинларига тобеликнинг девиант хулқ билан алоқаси муаммоси (Ю.Н.Мураткина, 2010), компьютер ўйинларига тобе одамларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик сифатлари (Н.В.Омельченко, 2011; А.А.Максимов, 2009; И.В.Колотилова, 2009), компьютер ўйинларига тобеликнинг психопрофилактикаси, психокоррекцияси ва реабилитацияси масалалари (С.К.Рыженко, 2009; О.В.Литвиненко, 2008) махсус ўрганилган. Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятларига доир илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Пекин университети (Хитой), Oxford (UK), Cambridge University (Англия), Hong Kong University (Гонконг), University of New Jersey (АҚШ), University of Nebraska (АҚШ), Murdoch University (Австралия), Москва давлат университети (Россия)да олиб борилмоқда⁴. Ўзбекистонлик психолог

⁴ Мазкур қисми ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди:

Hwang K.K. Face and Favor: The Chinese Power Game // *American Journal of Sociology*, 1987. 92(4). P. 944-974. Lee K.M., Peng W. What do we know about social and psychological effects of computer games? A comprehensive review of current literature // *Playing video games. Motives, responses and consequences* / Eds. J. Bryant, P. Vorderer.-Mahwah, NJ: Lawrence Erlbaum, 2006. P. 325-346. Szablewicz M. The ill effects of "opium for the spirit": a critical cultural analysis of China's Internet addiction moral panic // *Chinese Journal of Communication*. 2010. 3(4). P. 453 – 470.

Mitchell K.J., Becker-Blease K.A., Finkelhor D. Inventory of problematic Internet experiences encountered in clinical practice // *Professional Psychology*. 2005. 36(5). P. 498–509.: Voiskounsky A.E. Flow Experience in Cyberspace: Current Studies and Perspectives // *Psychological aspects of cyberspace: theory, research, applications* / Ed. A. Barak.-Cambridge: Cambridge University Press, 2008. P. 70–101.

Voiskounsky A.E., Mitina O.V., Avetisova A.A. Flow Experience and Interaction in Online Gaming // *Proceedings Cultural Attitudes towards Communication and Technology 2008* / Eds. F. Sudweeks, H. Hrachovec, C. Ess.-Australia: Murdoch University, 2008. P. 410-421. Young K.S. Clinical Assessment of Internet-Addicted Clients // *Internet Addiction: A Handbook and Guide to Evaluation and Treatment* / Eds. K.S. Young, C.N. Abreu.-Hoboken, New Jersey: John Wiley & Sons, 2011. P. 19-35. Fairbank J.K. The reunification of China // *Cambridge*

тадқиқотчилар томонидан ушбу соҳада ўтказилган кам сонли изланишларда асосан компьютер ўйинларига тобеликнинг болалар психик тараққиётига салбий таъсири муаммоси юзасидан илмий текшириш ишлари олиб борилган (Н.М.Далимова, 2010). Аммо хориж тадқиқотчилари томонидан ҳам, мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан ҳам турли ёш даврларида компьютер ўйинларига тобелик муаммоси алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши «Соғлом авлод йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган ТДПУ «Педагогика ва умумий психология» кафедраси илмий-тадқиқот ишлари доирасида ҳамда (ОТ-Ф1-126) «Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли хил ёшдаги ўқувчилар компьютер ўйинларига тобелигининг психологик хусусиятларини аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича психологик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

компьютер ўйинларига тобеликни ривожланиш психологияси нуқтаи назаридан илмий-амалий муаммо сифатида асослаш;

турли ёшдаги ўқувчиларни компьютер ўйинларига тобелигининг ёш психологик хусусиятларини қиёсий асослаш;

турли ёшдаги компьютер ўйинларига тобе ўқувчиларнинг мотивацион соҳасини аниқлаш;

компьютер ўйинларига ўсмирлик ва илк ўспиринлик даврларида тобелик ва ижтимоий-психологик мослашганлик орасидаги боғланишларни аниқлаш;

компьютер ўйинларига тобе ўқувчиларнинг шахслараро муносабатда ўрнини ва оилавий муносабатларини аниқлаштириш;

кичик мактаб ёши, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшдаги ўқувчиларни компьютер ўйинларига тобелигининг психокоррекцион дастурини ишлаб чиқиш;

компьютер ўйинларига тобеликнинг олдини олишга доир илмий асосланган педагогик-психологик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли ёш давридаги ўқувчилар (жами 540 нафар бола бўлиб, улардан 262 нафари кичик мактаб ёшидаги болалар, 158 нафар ўсмирлар ва 120 нафар илк ўспиринлар) иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети компьютер ўйинларига тобе болалар шахсининг психологик хусусиятлари ва намоён бўлишини тавсифловчи психологик омиллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда шахсни ўрганишга комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига муносабати ҳақида суҳбат ва психодиагностик усуллардан фойдаланилган. Ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелигини аниқлашда «Компьютер ўйинларига тобеликни аниқлаш методикаси» (Н.М.Далимова методикасининг кичик мактаб ёшига мослаштирилган варианты) ва А.В.Гришинанинг «Кичик ўсмирларнинг компьютер ўйинларига қизиқиши даражаларини аниқлаш сўровномаси»; Компьютер ўйинларига тобе ўқувчиларнинг мотивацион соҳасини ўрганишга доир «Кичик мактаб ёшида муваффақиятга интилиш мотивацияси» тести (Р.С.Немов), «Муваффақиятга интилиш мотивацияси» тести ҳамда «Мотивациянинг конструктивлиги» методикаси (Р.Бернс)дан; Компьютер ўйинларига тобеликда ўқувчиларнинг социал муҳитга мослашуви хусусиятлари таъсирини аниқлашда «Ижтимоий-психологик адаптация» методикаси (Т.В.Снегиреванинг мослаштирилган варианты) ва шахслараро муносабатнинг ўрнини аниқлашда «Социометрия» методикаси (Я.Л.Коломинский бўйича)дан; Компьютер ўйинларига тобе ўқувчиларнинг оилавий муносабат хусусиятларини аниқлашда «Оиланинг кинетик расми» проектив методикасидан (Р.Ф.Беляускайте); Эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистика усуллари (Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) дан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли ёшдаги компьютер ўйинларига тобе ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлари, оилавий муносабатлари, мотивацион соҳаси хусусиятлари ва уларнинг тобелик даражалари очиб берилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар, ўсмир ва илк ўспиринлар компьютер ўйинларига тобелигининг мотивацион ва муҳитга мослашув хусусиятлари, оилавий муносабатларнинг ижобий муҳит, хавотирлик, низолашувчанлик каби таъсир этувчи омиллари аниқланган;

ўқувчиларнинг компьютер ўйинларга тобелиги профилактикаси ва коррекциясига доир компьютер ўйинларига тобелик психокоррекцияси дастури ҳамда мактаб психологлари, ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

компьютер ўйинларига тобеликнинг индивидуал ҳамда ижтимоий-психологик хусусиятлари тизими шакллантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятларини ифодаловчи омиллар амалий тафсилоти ишлаб чиқилган;

компьютер ўйинларига тобелик хусусиятларининг психодиагностикаси тизимлаштирилган;

турли ёшдаги ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелиги профилактикаси ва коррекцияси бўйича психологик тренинглари дастури тузиб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши ва психологик тадқиқотларда қўлланиб келинганлиги; олинган эмпирик натижаларни қайта ишлаш математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланганлиги (Стьюдентнинг t -мезони, К.Пирсон усули бўйича корреляцион таҳлил қилинганлиги) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишончлилик ва ҳаққонийликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятлари муаммосини ўрганишдан олинган эмпирик кўрсаткичлар, яъни компьютер ўйинларига тобе ўқувчининг шахслилик хусусиятларидаги ўзига хослик, мотивацион соҳаси, шахслараро муносабати ва оилавий муносабатдаги хусусиятлари, ёш хусусиятларига доир психологик характеристикалар ва хулосалар педагогик психология, ёш психологияси, шахс психологияси, психодиагностика соҳаларининг илмий асосларини бойитади.

Тадқиқот натижалари ва улар асосида ишлаб чиқилган илмий тавсиялар, хулосалар ва тадқиқот методикалари компьютер ўйинларига тобеликнинг умумий психологик, ижтимоий-психологик, психофизиологик ва тиббиёт психологик йўналишларда илмий изланишлар олиб боришда услубий асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелик даража ва ёш хусусиятларига доир назарий тавсиялар асосида вояга етмаганлар, ота-оналар билан ишлаш жараёнида тобелик даража ва ёшга оид хусусиятларидан сензитив даврни белгилаб бериш масаласига тааллуқли бўлган мавзуларда маърузалар ўтказишда фойдаланилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2017 йил 6-ноябрдаги №06/623-02-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда компьютер ўйинларига тобелик муаммоси борасидаги маънавий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелигининг мотивацион ва муҳитга мослашув хусусиятлари, оилавий муносабатлардаги хавотирлик, низоллашувчанлик, кемтиклик, душманлик омиларининг таъсири психологлар томонидан фойдаланилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2017 йил 6-ноябрдаги №06/623-02-сон маълумотномаси). Олинган натижалар компьютер ўйинларига тобеликни индивидуал ва ижтимоий психологик хусусиятларини аниқлашга, услубий асосларини ривожлантиришга имкон берган;

шахслараро муносабатларни яхшилашга қаратилган ҳамда оиладаги муносабатларни яхшилашга асосланган тавсиялар ва ишлаб чиқилган психокоррекция дастур Республика болалар ижтимоий мослашуви

марказида жорий этилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2017 йил 6-ноябрдаги №06/623-02-сон маълумотномаси). Психокоррекцион дастурни жорий этилиши психологлар болаларда компьютер ўйинларига тобеликни бартараф этиш жараёнида янада самарали натижаларга эришишни таъминлашга хизмат қилган;

компьютер ўйинларига тобе шахслар билан коррекцион ишни ташкил қилиш назарий-концептуал ва услубий асослари Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳамда Фарғона вилояти коллежлари ўқитувчилари ҳамда ота-оналарга ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелигининг психологик хусусиятларини аниқлашга, компьютер ўйинларига тобе ўқувчиларни ташхислаш ва уларни бартараф этиш бўйича психокоррекцион дастурлари орқали педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 март 89-03-745-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсифнома ва тадқиқот натижалари ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда психологларга компьютер ўйинларига тобеликни ташхислаш ҳамда уни коррекциялаш жараёнида самарали натижага эришишда муҳим манба сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Компьютер ўйинларига тобелик муаммосини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида. «Одам-компьютер» тизимидаги муносабат хусусиятларини тадқиқ этиш анъаналари, компьютерга тобелик муаммосини илмий ўрганиш тажрибаси

ҳамда компьютер ўйинларига тобелик психологик тадқиқотлар предмети сифатида эканлиги масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотимизда ўрганилаётган муаммонинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда биз дастлаб, умуман, «одам-компьютер» муносабат тизимиغا хос хусусиятларни ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар тарихи ва уларда тўпланган тажриба таҳлилини келтиришни ўринли, деб ҳисобладик.

Хориж мутафаккирларининг изланишларига эътибор қаратадиган бўлсак, «одам-компьютер» муносабатлари тизимиغا хос хусусиятларни ўрганиш бўйича Н.Виннер, Р.Гвардини, Г.Йонас, С.Пейкерт, В.П.Гладун ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

«Одам-компьютер» муносабатларини ўрганишга фалсафий ёндашуви бўйича рус олимлари А.М.Островский, Н.А.Бердяев, В.В.Александров, А.А.Братко, А.Н.Кочергин, В.М.Глушков, Н.А.Тарабанов ва бошқалар ҳам ўзларининг сезиларли ҳиссаларини қўшган.

Бугунги кунда фанда компьютерга тобелик аддиктив хулқ-атворнинг намоён бўлиш шаклларида бири сифатида изоҳланади. Компьютерга тобелик муаммоси хориж психологиясида ўтган асрнинг 80-йилларидан ўрганила бошланди. Одамнинг интернет тизимидаги фаолиятини ўрганиш бўйича, тадқиқотчилардан А.Й.Войскунский (2008), Н.Н.Алдухов, Г.Ю.Галкин (2000), Л.Н.Юрьева, Т.Ю.Большот (2006) ва бошқалар чуқур изланишлар олиб борган. «Интернетга тобелик» тушунчасининг ўзи айрим маълумотларга қараганда 2010 йил М.Гриффитс томонидан тақлиф этилган.

Махсус тадқиқотларда гемблингда аффеktiv бузилишлар хусусиятлари (Т.В.Агибалова, 2007), ўйинга тобеликнинг кимёвий аддикцияга ўхшаш ҳамда ундан фарқли жиҳатлари (Е.С.Осуховская, 2012, В.А.Солдаткин, 2010), қимор ўйинларига тобеликнинг клиник намоён бўлиши, кечиши ва даволаниши масалалари (О.Ж.Бузик, 2008, А.Ф.Шайдулина, 2007), бундай тобелик вазиятида шахс психопатологик бузилишлари муаммоси (Г.С.Хвостиков, 2009), тобеликнинг комплекс терапиясида психотерапиянинг ўрни (Е.Н.Динов, 2010) ўрганилган.

Компьютер ўйинларига тобелик ҳодисасига нисбатан кўпинча гемблинг (ингл.gambling-ўйнамок) ёки лудомания (лот. ludo-ўйин) тушунчалари қўлланади.

Компьютер ўйинларига тобеликни психологик ўрганишга қаратилган тадқиқотларда компьютер ўйинлари психологик тадқиқотларнинг янги соҳаси сифатида асосланиб берилди (Р.Е.Радеева, Е.О.Смирнова, 2000; С.А.Шапкин, 1999), компьютер ўйинларига тобеликнинг шахс психик ҳаётига таъсири хусусиятлари (А.В.Мирошниченко, 2012; А.М.Демильханова, 2009; Л.И.Шакирова, 2006), компьютер ўйинларига тобеликнинг девиант хулқ билан алоқаси муаммоси (Ю.Н.Мураткина, 2010), компьютер ўйинларига тобе одамларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик сифатлари (Н.В.Омельченко, 2011; А.А.Максимов, 2009; И.В.Колотилова, 2009), компьютер ўйинларига тобеликнинг

психопрофилактикаси, психокоррекцияси ва реабилитацияси масалалари (С.К.Рыженко, 2009; О.В.Литвиненко, 2008) махсус ўрганилди.

«Одам-компьютер» муносабатлари тизимига хос хусусиятларни ўрганишда, энг умумий равишда ҳамда икки асосий ёндашув, яъни компьютерга фаолият воситаси сифатида қарашга асосланган ва компьютерни ҳамкорликдаги фаолиятда шерик ўрнида қабул қилишга асосланган ёндашувларни ажратиш мумкин. Компьютерга тобеликни ўрганишда мазмун жиҳатидан икки асосий ёндашувни – компьютерга тобелик таъсирида вужудга келувчи жисмоний ва психик бузилишларни ҳамда компьютерга тобеликнинг ривожланишига замин яратувчи тиббий-психологик омилларни аниқлашга қаратилган ёндашувларни ажратиш мумкин.

Ўзбекистонда компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик жиҳатларини ўрганиш соҳасида ўтказилган ҳозиргача ягона диссертацион тадқиқот иш, яъни Н.М.Далимованинг изланишлари ҳам айнан шу йўналишда амалга оширилган бўлиб, унда баъзи компьютер ўйинлари ўсмирлардаги агрессивликка сабаб бўлиши қайд этилади. Яна бир республикамиз тадқиқотчиси Ж.А.Ҳамидов ҳам инсон ва компьютер муносабатларининг назарий масалалари таҳлилига бағишланган илмий ишида компьютер воситасида ўқитишнинг афзалликлари хусусида мулоҳаза юритади.

Тадқиқотнинг **«Компьютер ўйинларига тобелик феноменини эмпирик ўрганиш»** деб номланган иккинчи бобида компьютер ўйинларига тобелик феноменинг намоён бўлиш психологик хусусиятларини тадқиқ этишнинг экспериментал модели, кичик мактаб ёшидаги синалувчиларда компьютер ўйинларига тобеликнинг намоён бўлиши, ўсмирларда компьютер ўйинларига тобелик намоён бўлиши ҳамда компьютер ўйинларига тобе илк ўспиринларнинг психологик хусусиятларини эмпирик ўрганиш масалалари ёритилган.

Экспериментал тадқиқотни режалаштириш асосида бир қанча босқичлар белгилаб олинди. Синалувчиларда компьютер ўйинларига тобе синалувчилар аниқлаб олингандан сўнг, уларнинг гуруҳдаги социометрик мавқеи аниқланди.

Эмпирик тадқиқот ишимизни энг аввало турли ёш даврлардаги синалувчиларда сўровнома ва кузатиш асосида компьютер ўйинларига тобеликнинг намоён бўлишини аниқлашга қаратдик. Тадқиқот ишлари қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш имкониятини берди. Маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Компьютер ўйинларига тобелик мавжудлигининг кўрсаткичлари фоизларда келтирилган. Жами 540 нафар синалувчи.

Сўровномадан олинган маълумотлар кўрсатиб турганидек, компьютер ўйинларига тобелик илк ўспирин ёшдаги болалардан кўра кичик мактаб ёшидаги синалувчиларда юқориқдир.

1-жадвал

Компьютер ўйинларига тобе синалувчиларнинг турли ёш даврлари бўйича тақсимоти кўрсаткичлари (% ҳисобида)

Компьютер ўйинларига тобелик даражаси	Кичик мактаб ёшидаги синалувчилар (n = 262)	Ўсмир ёшдаги синалувчилар (n=158)	Илк ўспирин ёшдаги синалувчилар (n=120)
Кўга тобелик кўрсаткичи юқори	19%	15%	12%
Кўга тобелик кўрсаткичи паст	81%	85%	88%

Эҳтимол, буни компьютер ўйинларининг мазкур ёш босқичида ўйин фаолиятининг бир тури сифатида кичик мактаб ёшидаги ижтимоий мувофиқлик, салоҳият, баъзан қарорларни мустақил қабул қилиш каби етакчи эҳтиёжларини қондиришнинг компенсатор имконияти ва усули сифатида хизмат қилиши билан тушунтириш мумкин.

Ушбу таҳлилнинг давоми сифатида кичик мактаб ёшидагиларнинг компьютер ўйинига тобелиги билан оилавий муносабат хусусиятлари кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион алоқалар ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Кичик мактаб ёшида компьютер ўйинларига тобелик ва оилавий муносабатлар хусусиятлари ўртасидаги алоқадорлик кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг r_p корреляция коэффиценти асосида) (n = 262)

№	Ўқувчилар синфлари	Корреляцион таҳлил объектлари	Оилавий муносабатлар хусусиятлари				
			Ижобий оилавий муҳит	Хавотирлик	Низолаш увчанлик	Кемтиклик хисси	Душманлик
1	2-синф	Компьютер ўйинларига тобелик/ оилавий муносабатлар хусусиятлари	-0,50**	0,54**	0,39**	0,29**	0,47**
2	3-синф		-0,64**	0,58**	0,66**	-0,01	0,11
3	4-синф		-0,66**	0,60**	0,56**	0,21*	0,33**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Жадвал натижаларига кўра ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелиги ижобий оилавий муҳитнинг сусайиши, ота-она ёки оила аъзолари ўртасидаги низолаш, оиладаги нотинчлик оқибати ($r = -0,50$ ва $p < 0,01$ (2-синф); $r = -0,64$ ва $p < 0,01$ (3-синф); $r = -0,66$ ва $p < 0,01$ (4-синф) бўлиши шубҳасиз. Шунингдек, уларда компьютер ўйинларига тобелик оилавий муносабатларда “хавотирланиш”нинг ўсишига ҳам сабаб бўлар экан ($r = 0,54$ ва $p < 0,01$ (2-синф); $r = 0,58$ ва $p < 0,01$ (3-синф); $r = 0,60$ ва $p < 0,01$ (4-синф)). Компьютер ўйинига тобе болалар ўйин вақтида хавотирланишни ҳис этмасалар-да, ўйин яқунланиши билан оила муҳитига қайтиш истагининг пайдо бўлиши билан хавотирланиш ортади.

Юқоридаги жадвалда компьютер ўйинларига тобе кичик мактаб ўқувчиларининг оилавий муносабатларидаги ижобий муҳитнинг сусайиши, муносабатларда шахсий хавотирланишнинг ўсиши билан бир қаторда низога мойиллик ҳам ўсиб борар экан ($r=0,39$ ва $p<0,01$ (2-синф); $r=0,66$ ва $p<0,01$ (3-синф); $r=0,56$ ва $p<0,01$ (4-синф)).

Бу тоифа кичик мактаб ўқувчилари атрофдагилар билан муносабатлардан кўра ўзининг виртуал муносабатларини устувор қўйиши низога мойилликни келтириб чиқаради, чунки ўзларининг ижтимоий муносабатларга бўлган эҳтиёжини ўйин қахрамонлари билан мулоқоти орқали қондириши сабаб бўлади, дейиш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан уларнинг оилавий муносабатида учрайдиган «кемтиклик» ва «душманлик» кўриниш олиши таълим босқичларига боғлиқ эмас экан. Бу хусусиятлар бола ва оила аъзоларининг муносабат хусусиятларига боғлиқ экан, чунки компьютер ўйинларига тобелик билан муносабатдаги кемтиклик ва душманлик ўртасидаги боғлиқлик «сакраш» ($r=0,29$ ва $p<0,01$ (2-синф); $r=0,21$ ва $p<0,05$ (4-синф) ва ($r=0,47$ ва $p<0,01$ (2-синф); $r=0,33$ ва $p<0,01$ (4-синф)) кўринишини ҳосил қилган ҳолда салбий муносабат хусусиятларининг ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Акс ҳолда компьютер ўйинларига тобелик билан муносабат хусусиятлари ўртасидаги корреляцион алоқалар 3-синфларда кузатилмади. Юқоридаги миқдорий кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, компьютер ўйинларига юқори даражадаги қизиқишга эга бўлган ва оқибатда кўпроқ тобеликни ҳис қилувчи синалувчилар гуруҳига асосан оилавий муносабатлардан қоникмаганлик туйғусини кечираётган синалувчилар жамланган деган, хулосага келиш мумкин.

Ёш даврлари бўйича компьютер ўйинларига тобелик даражасига кўра ўзаро фарқланувчи кўрсаткичларни кўрсатиб ўтишни лозим топдик. Ушбу кўрсаткич қуйидаги жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Компьютер ўйинларига тобелиги даражасига кўра фарқланувчи ўқувчиларнинг социометрия кўрсаткичи (гуруҳнинг қабул қилиш даражаси) бўйича ўзаро тафовут кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони асосида) (n = 540)


№	Компьютер ўйинларига тобелиги даражасига кўра ўқувчиларнинг шартли гуруҳлари	Ўзаро қийматлар	Ўқувчилар гуруҳлари		
			Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар	Ўсмирлик ёш	Илк ўспиринлик ёш
1	Компьютер ўйинларига тобе ўқувчиларнинг гуруҳ томонидан қабул қилиниш кўрсаткичи	M ₁	0,65	0,38	0,4
2	Компьютер ўйинларига тобе бўлмаган ўқувчиларнинг гуруҳ томонидан қабул қилиниш кўрсаткичи	M ₂	3,49	3,31	3,34
3	t		6,14***	10,23***	9,03***

*** $p<0,001$

Мазкур жадвалдаги маълумотларнинг кўрсатишича, компьютер ўйинларини ўртача даражада маъқул кўрадиган гуруҳ синалувчиларига нисбатан компьютер ўйинларига тобелиги яққол ифодаланган синалувчиларда ижтимоий мавқе кўрсаткичи бирмунча пастрокдир. Бу кўпроқ кичик мактаб ёшидаги синалувчиларга хосдир. Айнан мана шу ёш даврида дўстлик долзарб муаммога айланиб боради. Ўсмир ёшида дўстлик ҳиссига эҳтиёж юқори даражада бўлиб, илк ўспиринлик ёшида эса касб танлаш, ўқиш фаолияти бирмунча юқорироқ поғонага ўтади. Шу сабабли коррекцион тадбирларни ишлаб чиқишда кичик мактаб ёшдаги синалувчиларнинг муаммоларига алоҳида эътибор бериш зарурияти шундандир.

Тадқиқотнинг «Компьютер ўйинларига тобелик шаклланиши олдини олиш бўйича турли ёшдаги ўқувчилар билан коррекцион ишни ташкил қилиш дастур» деб номланган учинчи бобида компьютер ўйинларига тобелик шаклланишининг олдини олиш бўйича кичик мактаб, ўсмир, илк ўспирин ёшидагилар билан коррекцион ишни ташкил қилиш асослари, кичик мактаб ёшидаги болаларда компьютер ўйинларига тобелик шаклланишининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича коррекцион ишни ташкил қилиш дастури масалалари ёритилган.

Психокоррекцион машғулотлардан сўнг синалувчиларнинг шахслараро муносабатлардаги, хулқ-атворидаги, мулоқот соҳасидаги, шахс хусусиятларидаги ҳолатини аниқлаш учун назорат тажрибаси ўтказилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Коррекцион-ривожлантирувчи иш натижасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда компьютер ўйинларига тобелик даражасининг ўзгариш кўрсаткичлари (ўртача қийматлар асосида) (Стьудентнинг t-мезони асосида)

Психокоррекция тадқиқотимизда синалувчилар 3 гуруҳга ажратиб олинди.

1-тажриба гуруҳида индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларга йўналтирилган чора-тадбирлар уйғун амалга оширилди.

2-тажриба гуруҳида эса фақатгина ижтимоий-психологик хусусиятларга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

3-назорат гуруҳида ҳеч қандай тадбир ўтказилмади.

Юқоридаги 4-жадвалдан кўриниб турибдики, 1-тажриба гуруҳида олиб борилган машғулотлар натижалари 2-тажриба гуруҳида олиб борилган машғулотлар натижаларига нисбатан самаралироқ. 3-назорат гуруҳида эса сезиларли ўзгаришлар кўринмади. Дастурнинг асосий мақсади – шахслараро муносабатларда «ажралиб қолган» гуруҳга тушиб қолган болаларга жамоада ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш, ижобий шахс хусусиятларини шакллантириш, ўз хулқ-атворини бошқаришга ўргатишдан иборат.

ХУЛОСА

Компьютер ўйинларига тобелик муаммосига тааллуқли назарий маълумотларнинг таҳлили ва эмпирик тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантириш ўринли, деб ҳисоблаймиз:

1. «Одам-компьютер» муносабатлари тизимига хос хусусиятларни ўрганишда, энг умумий равишда ҳамда икки асосий ёндашув, яъни компьютерга фаолият воситаси сифатида қарашга асосланган ва компьютерни ҳамкорликдаги фаолиятда шерик ўрнида қабул қилишга асосланган ёндашувлар ажратилиб, компьютерга тобелик замонавий тиббий ва психологик тадқиқотларда нокимёвий аддикциянинг турларидан бири сифатида кўрилиши аниқланди.

2. Компьютерга тобеликни ўрганишда мазмун жиҳатидан икки асосий ёндашув – компьютерга тобелик таъсирида вужудга келувчи жисмоний ва психик бузилишларни ҳамда компьютерга тобеликнинг ривожланишига замин яратувчи тиббий-психологик омилларни аниқлашга қаратилган ёндашувлар ажратилиб, компьютер ўйинларига тобелик психопрофилактикаси ва психокоррекцияси нуқтаи назаридан аддиктларга хос психологик хусусиятларни ўрганиш йўналишидаги тадқиқотлар истиқболи юқорироқ баҳоланиши ўринлидир. Мазкур истиқболли йўналишда ўтказилган тадқиқотлар компьютер ўйинларига тобе шахс психологиясининг умумий чизгиларини аниқлаш имконини берса ҳам, аммо улар ёшга оид хусусиятлар нуқтаи назаридан ҳозиргача дифференциация қилинмаганлиги аниқланди.

3. Эмпирик тадқиқот натижаларига кўра, компьютер ўйинлари ўқув кўникмаларни ўзлаштириш учун шароитни яратади, ақлий соҳа ривожланиши учун озуқа беради. Билиш фаоллигини рағбатлантиради. Шунингдек, мотивацион соҳани ривожлантиради ва ўзлигини қабул қилиш

ҳамда ўзини ҳурмат қилиш кабиларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ тенгдошлари, ўқитувчи ва ота-оналар билан мулоқотга киришишдаги қийинчиликларнинг мавжудлиги шароитида кичик мактаб ёшидаги болада компьютер ўйинларига тобелик шаклланади. Компьютер ўйинлари кичик мактаб ёшидагиларнинг ижтимоий мувофиқлик, салоҳият ҳамда қарорларни мустақил қабул қилиш каби етакчи эҳтиёжларини қондиришнинг компенсатор имконияти ҳамда воситасига айланиб бориши аниқланди.

Барча асослар бўлгани сабабли кичик мактаб ёши (10-11 ёш) компьютер ўйинларига психологик тобелик шаклланиши учун сензитив давр бўлиб ҳисобланади.

4. Ўсмир ёшида компьютер ўйинларига тобелик ўйин жараёнига боғлиқ равишда намоён бўлади. Ўйин муҳити ва уни ташкил этиш имконияти мулоқот ҳамда ўз тенгдошлари билан ўзаро муносабатга киришишга нисбатан етакчи эҳтиёжнинг қондирилиши учун қулайроқ восита сифатида хизмат қилади. Катталарнинг ижтимоий муносабатлари акс этган ўйинларда ўсмир хулқ-атвор тарзини ўзлаштириш ҳамда бу билан катталар муносабати оламига «кўшилиш» имконига эга бўлади. Шу сабаб бинобарин бола жамоа билан ўйнашни маъқул кўрар экан, унинг ёрдамида у муайян мавқени эгаллайди. Компьютер технологияларидан фойдаланиш имконияти муайян моддий шароитга эга бўлган тақдирдагина эҳтимолийдир. Болалар ҳам гуруҳ билан бирга ўзаро муносабатга киришган ҳолда ўйин ўйнашни маъқул кўрадилар. Ўсмир ёшидаги қизлар гендер хусусиятлар билан боғлиқ ўйинларни маъқул кўрсалар, ўсмир ёшидаги ўғил болалар ҳам маскулин белгилар яққол ифодаланган ўйинларни ўйнашни маъқул кўришлари аниқланди.

5. Инсон индивидуал-психологик хусусиятлари боғлиқ равишда айрим компьютер ўйинлари дастлаб қисқа муддатли ижобий ўзгаришларга олиб келади. Аммо мунтазам бир типдаги ўйинлар билан бошқа ҳаётий эҳтиёжларни инкор этган ҳолда банд бўлиш якунида психологик тобеликни келтириб чиқариб, ҳатто оғир соматик бузилишларга сабаб бўлиши мумкин.

6. Диагностик тадқиқотларга асосланган ҳолда компьютер ўйинларига тобе болалар учун психокоррекцион тадбирлар мажмуасига асосланиб, коррекцион дастур ишлаб чиқилди. Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш коррекцион иши боланинг ижтимоий муҳитга кириб бориш имкониятлари кенгайтишига ёрдам берди. Ўтказилган коррекцион тадқиқотлар тобе болаларда коммуникатив кўникмалари, мотивацион соҳаси, ўқув мотивлари ва ўз мавқеига бўлган муносабат бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берганини кўрсатди.

7. Компьютер ўйинларига тобеликни коррекция қилишда психологик тренинг ўқитувчи билан ҳамкорликда олиб борилса, гуруҳ билан ўзаро таъсирга ўргатиш, ўқитувчининг тарбиявий ва коммуникатив кўникмаларини кенгайтириш ҳамда болаларда компьютер ўйинларига тобеликни бартараф қилиш имконияти ривожланишига ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc27.06.2017.Psi.01-07
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАХИМОВА ИНДИРА ИГОРЬЕВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЗАВИСИМОСТИ ОТ
КОМПЬЮТЕРНЫХ ИГР**

**19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология
развития**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Psi13

Диссертация выполнена в Ташкентском Государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу ik-falsafa@nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Нишанова Замира Таскараевна**
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мухамедова Дилбар Гафурджановна**
доктор психологических наук, доцент
Зокиров Алишер Акбарович
кандидат психологических наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета Psi.01.07 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, зал конференций. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, здание «В», 2 этаж, 217-й кабинет. Тел.: (99871) 246-52-74, факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

Г.Шоумаров,
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.психол.н., профессор

А.Расулов,
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.психол.н.,
доцент

Н.Сафаев,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.психол.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время большая часть населения мира тратит основное время на различные видеоигры, что приводит их к зависимости от видеоигр. В частности в 2016 году если данное явление наблюдалось у 48% населения Европы, то в Америке оно составило 72%, в Азии 50%. В следствии высокой приверженности к видеоиграм, экстремальных ситуаций, т.е. в результате игры 50 часов в неделю случаи зависимости увеличиваются ещё больше (в Америке 4%, в Азии 24%). По этой причине в 2018 году Всемирная организация здравоохранения объявила о признании зависимости от компьютерных игр психической болезнью и включении её в Международную классификацию болезни (МКБ)¹. В связи с этим профилактика данных случаев приобретает актуальное и важное значение. Также, существует необходимость совершенствования психологических механизмов защиты детей от разных информационных воздействий.

В исследованиях мирового уровня по изучению психологических особенностей зависимости от компьютерных игр проведены много работ. В частности, каждый возрастной период в зависимости от компьютерных игр исследован как отдельный объект. Но их динамика, мотивация к достижению успеха и особенности, свойственные семейным отношениям (положительная среда, тревожность, конфликтность, чувства неполноценности и враждебности) не изучены. В связи с этим изучение динамики зависимости от компьютерных игр испытуемых разного возраста, мотивации к достижению успеха и особенности семейных отношений определили актуальность нашего исследования.

В настоящее время задача духовного и физического благополучия молодёжи превратилась в один из основных приоритетных направлений нашей страны. В законах «Об основах молодёжной политики в Республике Узбекистан», «О гарантиях прав детей» указаны права молодежи и защищенность их законом от всяких случаев, ущемляющих их ценности. а также защита от любых ситуаций, унижающих их достоинства. Чтобы в духовном мире молодёжи не возникла пустота, мы должны с ранних лет формировать в их внутреннем мире и сознании здоровый образ жизни, чувство уважения к национальным и общенациональным традициям.

В исследованиях на мировом уровне по проблеме зависимости от компьютерных игр каждый возрастной период рассматривается в качестве отдельного объекта. Но их динамика, мотивация к достижению успеха и особенности, свойственные семейным отношениям (положительная среда, тревожность, конфликтность, чувство неполноценности и враждебности) не изучены. В связи с этим, изучение динамики зависимости от компьютерных игр испытуемых разного возраста, мотивации к достижению успеха и

¹ <http://www.rosbalt.ru/world/2018/01/05/1672757.html>.

особенностей семейных отношений определили актуальность нашего исследования.

